



International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.

Тижорат банклари ички назорат тизимининг мамлакат иқтисодиётига таъсири

Б.Б. ОДИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти, Тошкент,
Ўзбекистон

ABSTRACT

Тижорат банкларининг ички назорат тизими мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу тизим банклар фаолиятини самарали бошқаришга, молиявий барқарорликни таъминлашга ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшади. Мазкур тезисда тижорат банклари ички назорат тизимининг мамлакат иқтисодиётига таъсири таҳлил қилишга бағишланган. Мавзу мақолалар таҳлили ва ҳуқуқий асослар асосида ички назорат тизимининг банклар ва иқтисодиётга кўрсатаётган таъсири ўрганилди.

KEYWORDS

Жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, терроризмни молиялаштириш, банк ички назорат хизмати, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш.

INTRODUCTION

Тижорат банклари ички назорат тизими мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Ички назорат тизимлари банкларнинг молиявий соғломлигини назорат қилиш, рискларни бошқариш ва регулятор талабларига жавоб беришга ёрдам беради. Ушбу тезис тижорат банкларининг ички назорат тизимлари ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Маълумки, тижорат банкларининг ички назорат хизматлари ўз фаолиятини Адлия Вазирлигида 23.05.2017 йилда №2886-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари» асосида ташкил этадилар.

Ички назорат хизмати ходимлари ушбу Қоидаларнинг 23-бандига асосан тижорат банклари мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти ва маблағлар манбаси тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиб борадилар.

Ўрганишда асосий эътибор мижознинг фаолияти ушбу фаолиятни тартибга солувчи Қонун ҳужжатларининг талабларига мослигига эътибор қаратилади. Шунингдек, ушбу Қоидаларнинг 51-бандига асосан банк мижознинг ғайриоддий йирик операцияларига,

шунингдек, аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган мураккаб схемали операцияларига кучайтирилган эътибор қаратади.

Ички назорат тизимларининг банклар самарадорлигига таъсирини ўрганган ва кучли ички назорат тизимлари банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳимлигини кўрсатган (Arndorfer & Minto (2015)). Drogalas & Karagiorgos (2015) эса ички аудитнинг ички назорат тизимларини кучайтиришдаги аҳамиятини таъкидлайди (Drogalas & Karagiorgos (2015)).

Молиявий хатарларнинг нотўғри бошқарилиши иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади (Stulz (2014)). Gatzert & Martin (2015) банкларнинг риск-менежмент стратегиялари хатарларни самарали бошқаришда ёрдам беришини таъкидлайди (Gatzert & Martin (2015)). Hoffmann et al. (2012) эса технологик инновацияларнинг риск-менежмент тизимларини такомиллаштиришдаги аҳамиятини таъкидлайди (Hoffmann et al. (2012)).

Barth et al. (2013) тижорат банкларининг регулятор талабларга мос келмаслиги иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўрсатади (Barth et al. (2013)). Basel Committee on Banking Supervision (2011) бошқарув стандартларига риоя қилишнинг аҳамиятини таъкидлайди (Basel Committee on Banking Supervision (2011)). COSO (2013) эса ички назорат тизимларининг самарадорлигини ошириш орқали регулятор талабларга мослик таъминланиши мумкинлигини кўрсатади (COSO (2013)).

MATERIALS AND METHODS

Амалиётда тижорат банкларининг ички назорат хизматлари корхоналарнинг фаолиятини кунлик мониторинг қилиш жараёнида нақлаштириш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга дуч келади. Ушбу корхоналар томонидан амалга ошириладиган операциялар асосан қуйидаги белгиларга эга бўлади.

- Фақатгина асосий ёки иккиламчи ҳисоб рақам очиш;
- Иш ҳақи лойиҳаси бўйича ҳисоб рақам очмаслик;
- Ижара, коммунал ва солиқ тўловлари учун пул маблағларини кўчирилмаслик;
- Ҳисоб рақамга тушган пул маблағларини жисмоний шахсларнинг банк карталарига ёки омонатларига ўтказиш;
- Ҳисоб рақамга тушган пул маблағларини корхонанинг корпоратив карталарига ўтказиш;
- Ҳисоб рақамга тушган пул маблағларини бошқа корхоналарнинг ҳисоб рақамларига молиявий ёрдам кўринишида кўчириш;
- Ҳисоб рақамга тушган пул маблағларини устав фондини камайтириш мақсади билан нақд ечиш;
- Бюджет ва давлат корхоналаридан айрим турдаги товарларни сотиб олиш учун пул маблағлари келиб тушгандан сўнг ушбу турдаги товарни сотиб олиш учун тушган маблағ миқдоридан сезиларли даражада кам (масалан ярмига тенг) бўлган миқдорда пул маблағини шу турдаги товарни сотиб олиш учун кўчириш;
- Давлат банкларидан имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан келиб тушган пул маблағларини банк карталарига ўтказиш ёки банк кассалари орқали нақдлаштириш;
- Ҳисоб рақамга келиб тушган пул маблағлари тўлов мақсадларининг ўтказилган тўловлар мақсадларига номувофиқлиги;

Бундай корхоналар бир нечта алоқадор шахслар томонидан ташкил қилинади ва асосан қуйидаги белгиларга эга бўлади.

- Банкда ҳисоб рақам очган бир нечта корхоналарнинг давлат рўйхатидан бир пайтда ўтганлиги;

- Корхоналарнинг манзиллари бир жойда жойлашганлиги;

- Корхоналарнинг бенефициар мулкдорлари, таъсисчилари ёки раҳбарларининг айнан бир шахс ёки алоқадор шахслар эканлиги;

- Корхоналарни рўйхатда ўтказган шахсларнинг телефон рақамларининг бир хиллиги ёки ўхшашлиги;

Ушбу корхоналарнинг операциялари ички назорат Қоидаларида назарда тутилган шубҳали ва гумонли операцияларнинг қуйидаги мезонларига мувофиқ келади:

- операциянинг аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва мижоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

- мижоз фаолияти тавсифига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг ҳисобварағида пул маблағлари айланмасининг асоссиз кўпайиши;

- тижорат банки иштирокида мижоз томонидан бажарилаётган операцияларнинг операцияларни амалга оширишнинг умум қабул қилинган амалиётига яққол номувофиқлиги;

- ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби мижознинг одатий фаолиятидан фарқ қилувчи ностандарт ёки ғайриоддий мураккаб схемалардан иборат бўлиши;

- янги ташкил этилганига уч ойдан кўп бўлмаган юридик шахс — мижознинг унинг фаолияти характерида мувофиқ бўлмаган мақсадларда пул айланмаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20000 бараварига тенг ёки ундан ошиши ва шу қабили.

Бундай ҳолатларда банкнинг мижозларга бевосита хизмат кўрсатувчи ходимлари ушбу шубҳали операциялар тўғрисида банкнинг Ички назорат хизматида хабар беради. Ўз навбатида Ички назорат хизмати Бош Прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши Департаментига шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарни жўнатади. Шунингдек, Ички назорат хизмати ҳар қандай шубҳали операцияни амалга оширган мижозни юқори рискли мижозлар тоифасига киритади ва ушбу Қоидаларнинг 24-бандига асосан ушбу мижозга нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чоратadbирларини кўради. Яъни, операциялар бўйича пул маблағлари манбалари, операцияларнинг мақсади тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни сўраб мижозга ёзма равишда мурожаат қилади.

Белгиланган муддатда мижоз сўралган маълумотларни банкка тақдим этмаса, банк бундай мижознинг операцияларини амалга оширишни рад этади.

Амалиётда аксарият ҳолатларда “улгуржи савдо” ва “чакана савдо” фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан нақдсиз келиб тушган пул маблағларини нақдлалштириш ҳолатлари учрайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли Қарорига асосан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан *улгуржи савдо* - тижорат мақсадларида ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш учун ҳисоб-китобларнинг *нақдинасиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш* ҳисобланади. Амалиётда фалоият тури “улгуржи савдо фаолияти” бўлган “нақдлаштирувчи корхоналар” товарларни нақд пулга сотиб олишга уринадилар. Юқорида кўрсатилган Қарорга асосан *чакана савдон*и амалга оширувчи юридик шахслар *товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим*. Амалиётда эса фаолият тури “чакана савдо” бўлган

“нақдлаштирувчи корхоналар” товарларни нақд пулга сотиб олганликлари ёки умуман сотиб олмаганликлари сабабли бундай хужжатларга эга бўлмайдилар. Банк миждозга нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чораларини кўриш мақсадида, яъни миждознинг операцияларининг мақсади ва пул маблағларининг манбалари тўғрисидадан кўшимча маълумот сўраш учун миждозга ёзма равишда мувожаат қилганда юқоридаги талабларга урғу бериши лозим.

Тижорат банкларининг ички назорат хизматларининг бундай “нақдлаштирувчи корхоналар” фаолиятини ўз вақтида аниқлаши, тегишли ваколатли органларга хабар бериши ва операцияларини рад этиши мамлакат иқтисодиётининг ижобий тарафга ўзгаришига олиб келади. Чунки, бундай корхоналар товарларни “улгуржи савдо” билан шуғулланувчи корхоналардан пул кўчириш йўли билан сотиб олишнинг ўрнига пул маблағларни нақдлаштириб, товарларни банкдан ташқари пул айланмаси орқали бозорлардан сотиб оладилар. Натижада давлат бюджетига “улгуржи савдо” корхоналарининг айланмадан тўланадиган солиқ тушумлари камаяди. Шунингдек, корхоналарнинг банкдан ташқари пул айланмаларининг ортиши эвазига хуфёна иқтисодиёт ривожланади ва тижорат банкларининг ресурсларга бўлган талаби ортади. Шунингдек, бундай корхоналарнинг давлат ва бюджет ташкилотлари раҳбарлари билан келишган ҳолда сунъий равишда оширилган нархларда товарларни уларга сотиши бюджет ва давлат корхоналарининг харажатларини оширади ва охир-оқибат аҳолининг даромади пасайишига ва турмуш даражаси сифатининг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, давлат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари бундай корхоналар орқали нақдлаштирилиши оқибатида банкларнинг кредит маблағлари мақсадсиз ишлатилади, яратиладиган иш ўринлари сони қисқаради ва кўп ҳолларда банкка ушбу ресурсларни қайтаришда муаммолар юзага келади. Бу эса охир-оқибат давлатнинг даромадлари камайишига олиб келади.

CONCLUSION

Юқоридагиларни инобатга олиб, тижорат банклари ички назорат хизмати тузилмаларини доимий равишда етарли ресурслар билан таъминлашлари, ходимларни доимий равишда малакасини оширишига етарлича эътибор қаратишлари, жинойий даромадларни легаллаштириш соҳасида ваколатли давлат органи, Марказий банк ва бошқа тижорат банклари билан домий равишда ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Марказий банк ва Бош прокуратура қошидаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳам тижорат банкларига бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи шубҳали корхоналарнинг рўйхатини шакллантириш масаласида ёрдам бериши лозим.

Умуман олганда, тижорат банкларининг ички назорат тизимлари мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Кучли ички назорат тизимлари, самарали хатарларни бошқариш ва регулятор талабларга мослик таъминлаш орқали банклар иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлай олади.

REFERENCES

- 1.Arndorfer, I. & Minto, A. (2015). The ‘four lines of defence model’ for financial institutions. *Journal of Financial Regulation and Compliance*, 23(1), 51-63.
- 2.Barth, J. R., Caprio, G., & Levine, R. (2013). Bank regulation and supervision in 180 countries from 1999 to 2011. National Bureau of Economic Research.
- 3.Basel Committee on Banking Supervision. (2011). Principles for the Sound Management

of Operational Risk. Basel: Bank for International Settlements.

4.COSO. (2013). Internal Control — Integrated Framework. Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission.

5.Drogalas, G. & Karagiorgos, T. (2015). Internal auditing and performance: Evidence from Greek companies. *Journal of Financial Reporting and Accounting*, 13(1), 71-86.

6.Gatzert, N. & Martin, M. (2015). Determinants and value of enterprise risk management: Empirical evidence from the literature. *Risk Management and Insurance Review*, 18(1), 29-53.

7.Zokir Mamadiyrov, Nilufar Sultanova, Samariddin Makhmudov, Shoh-Jakhon Khamdamov, Luiza Mirpulatova, and Akbar Jumayev. 2024. The Impact of Digitalization on Microfinance Services in Uzbekistan. In *Proceedings of the 7th International Conference on Future Networks and Distributed Systems (ICFNDS '23)*. Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 453–463. <https://doi.org/10.1145/3644713.3644780>

8.Hoffmann, A. O. I., Post, T. & Pennings, J. M. E. (2012). Individual investor perceptions and behavior during the financial crisis. *Journal of Banking & Finance*, 37(1), 60-74.

9.Zokir Toshtemirovich Mamadiyarov. 2022. Risk Management in the Remote Provision of Banking Services in the Conditions of Digital Transformation of Banks. In *Proceedings of the 5th International Conference on Future Networks and Distributed Systems (ICFNDS '21)*. Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 311–317. <https://doi.org/10.1145/3508072.3508119>

10.Stulz, R. M. (2014). Risk Management, Governance, Culture, and Risk Taking in Banks. *Journal of Financial Economics*, 111(3), 592-610.